

VIII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАР


2018 йилнинг январь-декабрда ташқи савдо айланмаси 4118,6 млн. АҚШ долларини ўсиш суръати 128,4 %, жумладан 1595,6 млн. АҚШ долларини - экспорт операциялари ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 113,5 %, 2523,0 млн. АҚШ долларини - импорт операциялари ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 140,0 % ташкил этди.

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида МДХ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси (млн АҚШ доллари)


	<i>январь-декабрь</i>		<i>2017 йил январь-декабрга нисбатан % ҳисобида</i>
	<i>2017 й.</i>	<i>2018 й.</i>	
Ташқи савдо айланмаси	3 207,6	4 118,6	128,4
<i>шу жумладан:</i>			
МДХ давлатлари	1 120,7	1 676,4	149,6
бошқа давлатлар	2 087,0	2 442,1	117,0
Экспорт	1 406,0	1 595,6	113,5
<i>шу жумладан:</i>			
МДХ давлатлари	379,1	436,6	115,1
бошқа давлатлар	1 026,8	1 159,0	112,9
Импорт	1 801,6	2 523,0	140,0
<i>шу жумладан:</i>			
МДХ давлатлари	741,5	1 239,9	167,2
бошқа давлатлар	1 060,1	1 283,1	121,0

**Вилоят ташқи савдо айланмасида МДХ
ва бошқа давлатларнинг улуши, %да**

2017 йил



2018 йил




2018 йилнинг январь-декабрь ойларида вилоят экспорт-импорти таркиби

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, % ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, % ҳисобида
	2017 йил январь-декабрь	2018 йил январь-декабрь	2017 йил январь-декабрга нисбатан % ҳисобида
Экспорт таркиби	100,0	100,0	113,5
пахта толаси	12,7	3,7	33,2
озиқ-овқат маҳсулотлари	5,6	10,8	220,7
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	5,8	2,5	48,5
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	0,1	0,02	31,4
қора ва рангли металллар	56,1	67,4	136,4
машина ва ускуналар	2,1	1,5	80,6
хизматлар	1,3	0,9	80,4
бошқалар	16,3	13,1	91,2
Импорт таркиби	100,0	100,0	140,0
озиқ-овқат маҳсулотлари	15,1	8,4	77,8
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	8,8	6,5	103,9
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	1,5	1,8	171,7
қора ва рангли металллар	8,6	21,3	347,7
машина ва ускуналар	37,4	37,0	138,8
хизматлар	5,0	5,7	159,0
бошқалар	23,7	19,3	114,1

Экспорт таркиби товарлар 99,1 % улушига эга, булар асосан қора ва рангли металллар (67,4 %), бошқа турдаги товарлар (13,1 %), озиқ-овқат маҳсулотлари (10,8 %), пахта толаси (3,7 %), кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар (2,5 %), машина ва ускуналар (1,5 %), хизматлар (0,9 %) шунингдек, энергия манбаалари ва нефт маҳсулотлари (0,02 %) гуруҳлари хиссасига тўғри келмоқда.


Товар ва хизматлар экспорти таркиби (млн.АҚШ доллари)




Импорт таркибида энг катта улуш машина ва асбоб ускуналар (37,0%), қора ва рангли металллар (21,3 %) ҳамда бошқа маҳсулотлар (19,3 %) гуруҳлар ҳисобига тўғри келди.

Товар ва хизматлар импорти таркиби (млн.АҚШ доллари)

2017 йил
январь-декабрь




2018 йил
январь-декабрь




- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Кимё маҳсулотлари ва буюмлари
- Энергия манбаалари ва нефт маҳсулотлари
- Қора ва рангли металллар

- Машина ва асбоб-ускуналар
- Хизматлар
- Бошқалар

**Товар ва хизматларнинг экспорт таркиби,
(жамига нисбатан %да)**



**Товар ва хизматларнинг импорт таркиби,
(жамига нисбатан %да)**




**2018 йилнинг январь-декабрда вилоят ташқи савдо айланмасида
катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси**

	<i>Вилоят товар айланмасида улуши, % ҳисобида</i>	<i>2017 йил январь-декабрга нисбатан % ҳисобида</i>
Туркия	21,2	148,4
Россия	21,0	145,8
Хитой	15,8	130,6
Қозоғистон	13,0	184,7
Корея Республикаси	3,9	137,9
Англия	2,9	2 201,7
Афғонистон	2,9	82,6
Беларусия	2,1	144,1
Тожикистон	2,1	146,5
Украина	1,6	94,3
Германия	1,3	85,5
Польша	1,2	254,1
Сингапур	1,0	208,9
Нидерландия	0,9	104,4
Эрон	0,9	44,8
Литва	0,8	95,0
Латвия	0,7	43,1
Италия	0,7	100,8
Қирғизистон	0,6	89,3
Австрия	0,5	262,7
Бразилия	0,5	14,2
АҚШ	0,5	111,1
Франция	0,3	85,7
Ҳиндистон	0,3	88,3
Бангладеш	0,3	86,4
БАА	0,3	107,8
Эстония	0,3	210,5

Экспорт қилинаётган товар ва хизматларнинг асосий қисми Туркия ва Хитой Халқ Республикаси ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу эса умумий экспорт ҳажмининг 47,8 % ини ташкил қилади. Туркия ва Хитой Халқ Республикасига экспорт қилинаётган товарлар таркибига назар ташласак, асосан энергия манбаалари ва нефт маҳсулотлари, кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳларидан иборат эканлигини кўришимиз мумкин.


2018 йил январь-декабрда МДХ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби %да

Экспорт



- Пахта толаси
- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Кимё ва пластмаса маҳсулотлари
- Қора ва рангли металллар
- Машина ва усқуналар
- Хизматлар
- Бошқалар

Импорт




- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Кимё ва пластмаса маҳсулотлари
- Энергия манбалари
- Қора ва рангли металллар
- Машина ва усқуналар
- Хизматлар
- Бошқалар

Вилоятда ташқи савдони қўллаб-қувватлаш ҳамда МДХ давлатлари билан ушбу соҳадаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида 2018 йил январь-декабрь ойларида ташқи савдо айланмасида МДХ давлатларининг улуши 40,7 % ни ташкил этди ҳамда ташқи савдо айланмаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 28,4 % га ошди.


Бошқа хорижий давлатларнинг вилоят ташқи савдо айланмасидаги улуши 2017 йилнинг январь-декабрь ойларида 65,1 % ни ташкил қилган бўлса, 2018 йилнинг ушбу даврида эса ташқи савдо айланмасидаги улуши 59,3 % га етди.

Тошкент вилоятининг кичик бизнес корхоналарининг ташқи савдо айланмаси
(млн. АҚШ доллари)



Сўнги йилларда ҳукуматимиз томонидан саноат тузилмасини диверсификатсия қилиниши, экспортни қўллаб-қувватлаш, импорт ўрнини босувчи товар ва маҳсулотларни ишлаб чиқаришни янада оширилиши натижасида вилоят ташқи савдо айланмасида кичик бизнес корхоналарининг улуши ошиб бормоқда.

**Хорижий капитал иштирокидаги рўйхатдан ўтган корхоналарнинг
худудлар бўйича тақсимланиши
(2019 йил 1 январь ҳолатига)**



Хорижий капитал иштирокидаги рўйхатдан ўтган корхоналар 2019 йил 1 январь ҳолатига таҳлил қилинганда вилоятда жами 933 та корхона рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан Зангиота (126 та), Қибрай (95 та), Юқоричирчиқ туманларида (78 та), Ангрен (77 та), Чирчиқ шаҳарларида (65 та), Тошкент (61 та), Янгийўл туманларида (57 та), Янгийўл шаҳрида (51 та), Ўртачирчиқ (46 та), Оҳангарон (44 та), Бўстонлик туманларида (40 та), Оҳангарон (36 та), Олмалиқ (30 та), Нурафшон шаҳарларида (28 та), Куйичирчиқ (20 та), Чиноз (19 та), Паркент (18 та), Пискент (11 та), Оққўрғон туманларида (11 та), Бекобод шаҳрида (7 та), Бекобод (7 та) ва Бўка туманларида (6 та), хорижий капитал иштирокидаги корхоналар рўйхатга олинган..